O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2004 йил 30 декабрь, № 269 (3544) Пайшанба

## Президент арчаси





# Кўзларда порлаган қувонч

Янги йилни ҳеч ким болажонлардек интиқлик билан кутмаса керак. Қопи тўла совға билан узоқ ўрмондан келадиган саховатли Қорбобо, оқила ва доно Қорқиз, дўсти учун ҳар нарсага тайёр ўрмон жонзотлари ва ҳатто Янги йил шодиёнасида бошқаларга зарар етказмоқчи бўлган Ялмоғиз ва барча эртак қаҳрамонлари уларнинг қадрдонларига айланиб қолгандай. Ҳар янги йил оқшоми Қорбобо ёстиғининг остига ёхуд ясатилган арча тагига ташлаб кетадиган совғалар ҳам улар учун гўё ҳақиқат.

Пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар Дўстлиги саройида бошланган Президент арчаси шодиёналарида иштирок этган болакайлар қувончини кўрсангиз гўё олис болалигингизга қайтгандай бўласиз.Қорбобо, Қорқиз, Малика, Шаҳзода, Санта Клаус.... Буларнинг барчаси болаларнинг севимли эртак қаҳрамонлари. Айниқса, яхшиликнинг ёвузлик устидан ғалабаси, дўстга садоқат сингари ғоялар сингдирилган театрлаштирилган томоша ва кеча давомида болажонларнинг қаҳрамонлар билан рақс тушишлари, қўшиқ куйлашлари тадбирга ўзгача шукуҳ бахш этди.

— Биз Тошкент вилоятининг Пскент туманида яшаймиз, —дейди тадбир иштирокчиси, Олмалиқдаги 19-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Абдуллаева. — Бугун Президент арчасига келиб, томошаларни кўриб роса мириқдик. Юртбошимизнинг Янги йил совғалари бизга катта қувонч бахш этди.

Байрам дастури давомида болажонларнинг севимли дасталари "Семурғ", "Томоша" ва "Қувноқ таёқчалар"нинг, цирк ва театр артистларининг чиқишлари, ўйноқи куй-қўшиқлари барчада катта таассурот қолдирди.

— Президент арчасининг бугунги шодиёналарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг минг нафардан зиёд фарзандлари ва меҳрибонлик уйларининг 748 нафар тарбияланувчилари иштирок этишди, — дейди тадбир ташкилотчиси, "Sen yolg'iz emassan" болалар жамғармасининг ўқув маркази раҳбари Галина Смирнова.— Мамлакатимизда ўн учинчи бор ўтказилаётган ушбу тадбирга илк бор жамғармамиз ташаббускорлик қилмоқда.

— Президент арчасига қатнашган ҳар бир бола Юртбошимизнинг меҳри, уларга бўлган ишончларини ҳис этиб турсин, — дейди тадбирнинг саҳналаштирувчи режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нодира Қурбонова. — Биз болажонларнинг қувончини кўриб, шу ниятга эришганимизни ҳис этдик.

Кеча бошланган Президент арчаси шодиёналари ватанимизнинг барча вилоятларида давом этмоқда. Ишончимиз комилки, ушбу тадбир юзлаб, минглаб кўнгилларга қувонч улашади.

**М. ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: Президент арчаси шодиёналаридан лавҳалар.**

**Р. ГАЛИЕВ ва С. ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## В.И.Норовни Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Владимир Имомович Норов Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 декабрь.

# Такрорий овоз берилади

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида шу йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловлар якунига доир мажлис бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Мустафоев бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси раиси дастлаб сайлов тўла демократик тамойиллар асосида очиқ ва ошкора ўтганлигини, унда сайловчилар фаол қатнашгани ва халқаро кузатувчиларнинг эркин иштирок этиши учун қулай шароитлар яратилгани ҳақида ахборот берди ва Марказий сайлов комиссиясининг сайлов якунлари юзасидан қабул қилган қарорини ўқиб эшиттирди.

Қарорга кўра, мавжуд 120 та сайлов округининг 62 тасида номзодлар парламентнинг қуйи палатаси депутатлигига сайланганлар. 58 та округда номзодларнинг бирортаси ҳам эллик фоиздан ортиқ овоз тўплай олмаган. Шунинг учун 2005 йил 9 январда бу округларда такрорий овоз берилади. Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказининг хабарига кўра, такрорий овоз бериш тадбири ҳам, худди аввалгиларидек, очиқ ва ошкора тарзда бўлади. 26 декабрдаги сайловда энг кўп овоз тўплаган икки номзод 2005 йил 9 январгача, амалдаги қонунларга мувофиқ, сайловолди ташвиқотлари олиб боришлари мумкин. Қайта овоз бериш жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситалари вакилларига ва хорижий журналистларга Матбуот маркази тўла кўмак беради.

Марказий сайлов комиссияси такрорий овоз беришга тайёргарлик ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастурини тасдиқлади.

**Э. БОЛИЕВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича айрим округларда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида

2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўла мувофиқ равишда ошкоралик ва очиқлик руҳида ўтган сайловда 12 миллион 197 мингдан зиёд киши ёки сайловчиларнинг 85,1 фоизи қатнашди. 94 округда ёки округлар умумий сонининг 78 фоизида битта депутатлик ўринга 4-6 номзод қўйилган эди.

Округ сайлов комиссияларининг 2004 йил 26 декабрда ўтказилган сайлов натижалари бўйича баённомаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари бўйича 58 та сайлов округида номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозлар сонини тўпламаганлигини аниқлади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддасига, шунингдек "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та сайлов округида такрорий овоз бериш 1-иловага мувофиқ 2005 йил 9 январда ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки,

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 45-моддаси биринчи қисмига мувофиқ такрорий овоз бериш асосий сайлов даврида сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади;

такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури тасдиқлансин.

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминласинлар.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси раиси**
**Б. МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 декабрь.

### Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 29 декабрдаги қарорига 1-илова

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**
3-Темирйўл сайлов округи
5-Қўйлиқ сайлов округи
7-Дўмбиробод сайлов округи
8-Ҳадра сайлов округи
10-Астробод сайлов округи
11-Тўқимачи сайлов округи

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**
14-Балиқчи сайлов округи
16-Асака сайлов округи
18-Булоқбоши сайлов округи
19-Жалолқудуқ сайлов округи
20-Қўрғонтепа сайлов округи
21-Избоскан сайлов округи

**БУХОРО ВИЛОЯТИ**
26-Варахшо сайлов округи

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**
31-Дўстлик сайлов округи

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**
34-Навоий сайлов округи
35-Қизилтепа сайлов округи
37-Хатирчи сайлов округи

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ**
38-Поп сайлов округи
39-Чуст сайлов округи
42-Янгиқўрғон сайлов округи
43-Уйчи сайлов округи

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**
48-Суғдиёна сайлов округи
49-Булунғур сайлов округи
50-Иштихон сайлов округи
52-Қорадарё сайлов округи
53-Нарпай сайлов округи
54-Оқдарё сайлов округи
55-Пастдарғом сайлов округи

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**
61-Сайхун сайлов округи
62-Янгиер сайлов округи

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**
63-Шеробод сайлов округи
64-Ангор сайлов округи
65-Термиз сайлов округи
66-Жарқўрғон сайлов округи
67-Қумқўрғон сайлов округи
68-Шўрчи сайлов округи

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**
71-Ангрен сайлов округи
73-Бўка сайлов округи
75-Зангиота сайлов округи
77-Паркент сайлов округи
78-Тўйтепа сайлов округи
79-Чиноз сайлов округи
80-Чирчиқ сайлов округи

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**
83-Бешариқ сайлов округи
84-Данғара сайлов округи
85-Яйпан сайлов округи
86-Қўқон сайлов округи
89-Риштон сайлов округи
91-Охунбобоев сайлов округи
93-Фарғона сайлов округи
94-Водил сайлов округи
95-Тошлоқ сайлов округи

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**
104-Қарши сайлов округи
106-Қамаши сайлов округи
110-Китоб сайлов округи

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
114-Нукус сайлов округи
118-Хўжайли сайлов округи
119-Чимбой сайлов округи

Хушхабар

## ТЕННИСЧИНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Важа Узоқов Қозоғистонда ўсмирлар ўртасида теннис бўйича ташкил этилган "Павлодар опен-2004" мусобақасида муваффақиятли иштирок этиб, бош совринни қўлга киритди. Мазкур турнирда Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Ўзбекистондан ўн олти теннисчи ўзаро куч синашди.

— "Павлодар опен-2004" турнирида тўртта учрашув ўтказдим, — деди В.Узоқов ЎзА мухбирига. — Финалда мезбонлар вакили Б.Биркинни 4:6, 6:4, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратдим.

Якунланаётган йилда Важа Узоқов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ҳиндистон, Малайзия, Шри-Ланка, Финляндия ва Мисрда ташкил этилган ўндан зиёд турнирда қатнашди. Фарғонада Халқаро теннис федерацияси (ITF) йўналиши бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳам бош соврин соҳиби бўлди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



# ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ФЕСТИВАЛИ

***Янги йил арафасида Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залини мамлакатимизнинг иқтидорли болалари яратган юзлаб расмлар, амалий санъат намуналари безади. Бу ерда "Янги авлод" болалар ижодиёти республика фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Уни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" фонди ташкил этди.***

Пойтахтга республика вилоятларидан энг истеъдодли ёш рассомлар, мусиқачилар, шоирлар, хонанда ва раққосалар тўпланди. Кеча Самарқандда бўлиб ўтган фестивалнинг очилишида улар ижоддаги ўз ютуқларини намойиш этганди.

Муносиб ворислар, Ватан равнақи йўлида халқимиз томонидан амалга оширилаётган улкан ва хайрли ишларни давом эттиришга қодир ёш авлодни тарбиялаш Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг энг асосий вазифалардан бирига айланди. Уни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан биргаликда кўплаб жамоат тузилмалари, шу жумладан "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси иштирок этмоқда. Ёш авлоднинг ақлий салоҳиятини оширишга, уни ҳар томонлама билимли, баркамол этиб тарбиялашга қаратилган қатор давлат дастурлари ва турли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" фонди фаолиятининг ҳам узвий қисми ҳисобланади. Фонд ўзбек халқининг бой маданий-тарихий меросини мамлакатимиз ва хорижда тарғиб қилиш, фан, маданият, таълим соҳасидаги улкан салоҳиятни рўёбга чиқариш учун кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатларини бирлаштириш билан шуғулланади. Фонд томонидан ташкил этилган мазкур фестивалнинг бош мақсади — болалар ижодиёти соҳасидаги ютуқларни кўрсатиш, бу борадаги энг истиқболли лойиҳаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, ёш истеъдодларнинг кўп қиррали, чуқур ва ёрқин оламига жамоатчилик эътиборини яна бир бор жалб этишдир.

Фестивалда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 300 га яқин бола олти номинация — мумтоз мусиқа, миллий чолғу асбоблари, хонандалик, рақс, тасвирий санъат ва шеърият бўйича иштирок этди. Саралаш босқичлари натижаларига кўра санъатнинг турли соҳалари бўйича истеъдодли болалар аниқланди.

Фестивалнинг финалига ўз шогирдлари билан бирга уларнинг ўқитувчилари, мураббийлари ҳам келди. Болаларнинг кулгулари, кўргазмалар залини безаган турли рангдаги безаклар ва ҳаво шарлари байрам кайфиятини яратди. Тантанадан олдин ёш рассомлар учун таниқли мўйқалам усталари мастер-класс ўтказди.

Фестиваль финалига чиққанлар — республиканинг турли ҳудудларидаги ижодий марказлар вакиллари бўлган ёш мусиқачилар, ашула ва рақс жамоалари концерт дастурида иштирок этдилар. Қувноқ рақслар, бахтли болалик ҳақидаги қўшиқлар халқ чолғу асбоблари куйлари, мақомлар билан алмашди, Ватан ҳақида шеърлар янгради.

Москванинг "ДоМиСол и К" болалар қўшиқлари театри ёш ижрочиларининг чиқишлари фестиваль иштирокчилари ҳамда томошабинларда завқ-шавқ уйғотди.

"Янги авлод" фестивали ғолибларга диплом ва совринларни топшириш билан якунланди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**М. АМИН олган сурат.**

# Осиё фожиаси



Хабарингиз бор, якшанба куни Бенгал кўрфазида дунёда охирги қирқ йил давомида кузатилмаган 8,9 баллик зилзила қайд этилди. Унинг таъсирида Ҳинд океанида пайдо бўлган цунами Жануби-Шарқий Осиёнинг бир қатор давлатлари ҳамда Африканинг қирғоқ бўйи мамлакатларига келиб урилди. Табиий офат келтирган зарар миқдори кун сайин ошиб бормоқда. News.ru берган маълумотга кўра, қурбон бўлганлар сони 80 минг нафарга етди.

Индонезия ҳукумати вакили табиий офат туфайли 40 минг нафар аҳоли нобуд бўлганлигини маълум қилди. Шри-Ланкада қурбон бўлганлар сони 21 минг нафарни ташкил қилди. Жума куни Малдив оролида мамлакат парламентига сайловлар ўтказилиши кутилаётган эди. Сайлов қолдирилди. Жабр кўрганлар орасида хорижий давлатлар фуқаролари ҳам анчагина. Биргина Таиланднинг Хао Лак дам олиш оромгоҳида 700 нафар хорижлик сайёҳнинг жасади топилди.

Ҳозирда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тузилган қутқарув гуруҳи ишламоқда. БМТ мутахассислари аҳвол бундан-да оғирлашиши мумкинлигидан хавотирланишаяпти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тез чоралар кўрилмаса, минтақада эпидемия тарқалиш хавфи тўғрисида огоҳлантирмоқда.

Россия, Италия, Франция, Қувайт ва бир қатор давлатлар табиий офатдан зарар кўрган минтақаларга инсонпарварлик юклари ортилган ўнлаб самолётларни жўнатмоқда. Халқаро валюта фонди ҳам жабр кўрган давлатлар ҳукуматларига ёрдам кўрсатишга ваъда берди. БМТ ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозир зудликда 1,6 миллиард доллар миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиши лозим.

Осиё минтақасида юз берган фожиа жаҳон иқтисодиётига ҳам катта салбий таъсир кўрсатди. Валюта ва фонд бозорларида саросималик бошланди. Бир қатор халқаро суғурта ва сайёҳлик компаниялари инқирозга юз тутди. Сабаби, халқаро туризмнинг ривожи ҳар жиҳатдан ушбу давлатлар билан узвий боғлиқ.

Фалокат Европа иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Қимматли қоғозлар бозорида нархларнинг кескин тушиши кузатилаяпти.

Жаҳон банки офатнинг дастлабки оқибатларини бартараф этиш ва мамлакатлар иқтисодиётини тиклаш учун 5 миллиард доллар керак бўлишини билдирди.

**Юнус БЎРОНОВ.**

**Бекободдаги "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси металлурглари 2004 йилни муваффақиятли якунламоқда. Йил давомида бу ерда 586 минг тонна пўлат эритилди. Бу ўтган йилгидан 114 минг тонна кўпдир. Истеъмолчиларга 550 минг тонна тайёр металл прокати жўнатилди. Экспорт ҳажми ҳам икки баравар ошди.**

## «ЎЗМЕТКОМБИНАТ»: ЙИЛ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНМОҚДА

— Биз фойдаланаётган янги технологиялар корхонамизнинг бир маромда ишлаши, ишлаб чиқариш сифати ва суръатининг кескин ўсишига олиб келди, — дейди бирлашма бош иқтисодчиси Карим Ёқубов. — Хусусан, йилига 500 минг тонна пўлат эритиш қувватига эга электр печи имкониятларидан тўла фойдаланилаётир. Бу маҳсулотларимизнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини тобора оширмоқда.

Бекободлик металлурглар тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Хомашё харид нархлари шу йилнинг ўзида тўрт марта қайта кўриб чиқилиб, йил давомида икки баравар оширилди. Бу эса иккиламчи металл хомашёси етказиб бериш ҳажми кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Корхона бу йил қайта ишлаш учун зарур металл парчалари ва чиқиндиларини мўлжалдагидан анча кўп қабул қилди.

Йил бошидан буён ички ва ташқи бозорга 3,4 миллиард сўмлик истеъмол моллари етказиб берилди.

**Неъмат ДУШАЕВ**
**ЎзА мухбири.**

# «ЖАНУБИЙ КЕМАЧИ» ИСТИҚЛОЛ ХИЗМАТИДА

*«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси таркибидаги конлар сони яна биттага ортди. Кўп йиллардан бери заҳирада турган «Жанубий Кемачи» нефть ва газ кони фойдаланишга топширилди*

Ҳудудий жойлашишига кўра, бу кон майдони Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманига қарашли бўлса-да, нефть ва газ ҳудудларини ишга тушириш билан қашқадарёлик мутахассислар шуғулланишди. Бундан чорак аср бурун ушбу замин ўрганилиб, карбонат қатламларида саноатбоп нефть газ борлиги аниқланган эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, «Жанубий Кемачи» конидаги катта нефть ва газ заҳирасини халқ хизматига тўла-тўкис йўналтириш имкони туғилди.

«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси мутахассислари ер ости бойликларини қазиб олиш бўйича катта тажрибага эга. Уларнинг мамлакат жанубидаги йирик газ конларидаги самарали меҳнати, айниқса, «Кўкдумалоқ» компрессор станцияси қурилишидаги жасорати кўпчиликка аён. Янги конда ҳам улар ишни шиддат билан олиб бордилар. Икки ярим ой ичида нефть-газ конденсати тайёрлаш комплекс қурилмасини монтаж қилиш тугалланди. Саксовулзору қум барханлари орасида замонавий иншоот бунёд этилди.

## Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

Янги қурилманинг тақдимот маросими чинакам байрамга айланиб кетди. «Муборакнефтгаз» корхонаси бошлиғи Ниёзбой Умиров бош пудратчи — «Бухорогазсаноатқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Қосим Қосимовдан коннинг рамзий калитини қабул қилиб оларкан, ҳаяжонини яшира олмади.

— Мамлакатимизнинг ёнилғи-энергетика мустақиллигини мустаҳкамлаш вазифаси зиммамизга катта масъулият юклайди, — деди у. — Янги кон корхонамиз жамоасининг шу йўлдаги имкониятларини янада оширди. Бу ерда ўрнатилган қурилма нефть ва газни сифат жиҳатидан истеъмолчилар талаби даражасига етказиб бера олади. Мен бугун барча кончиларга, қурувчи ва монтажчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

«Жанубий Кемачи» конида 12 та қудуқ технологик тизимга уланган бўлиб, улар бир кеча-кундузда 2,5-3 миллион кубометр газ, 100 тонна нефть ва газ конденсати аралашмаси қазиб олиш имконини беради. Шунинг ўзиёқ янги кон ва унда ўрнатилган ускуналарнинг мамлакат халқ хўжалигидаги аҳамияти ниҳоятда катта эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари — «Муборакнефтгаз» корхонаси оператори Бўрон Рўзиев ва Муборак газни қайта ишлаш заводи ишчиси Қобил Мўминов ҳам иштирок этди. Тақдимот маросимида қурувчилар ва монтажчиларга қимматбаҳо совғалар ҳам топширилди. Бунинг яна бир сабаби бор. Конда ўрнатилган барча ускуналар, мосламалар ва жиҳозларнинг 80 фоизи корхонанинг ички заҳиралари ҳисобидан етказиб берилди. Ортиқча чет эл валютаси сарфланишига йўл қўйилмади. Бу эса конда ишлаган ҳар бир ишчи ва мутахассисдан тадбиркорлик, топқирлик ва тежамкорлик билан ишлашни талаб қиларди. Шундай масъулиятли вазифа эса шараф билан уддаланди.

Айни кунларда чўл бағридаги «Кемачи» кўли бўйида кончилар учун уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қад кўтармоқда. Келажакда эса бу ерда ўттиздан ортиқ объектлар ишга туширилиб коннинг ишлаб чиқариш қуввати яна бир неча баробар ошади.

— Коннинг биринчи навбати ишга тушди, — дейди корхона бош муҳандиси Алимаҳмуд Каримов. — Ҳали бу ерда саноат учун истиқболли ҳисобланган қудуқлар кўп. Ҳозир «Умид» конини ишга тушириш устида ишлаяпмиз. «Ҳовузак» ва «Шодлик» конларида ҳам иш давом этаяпти.

Ҳа, «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси кончилари ер ости бойликларини халқ хизматига йўналтириш йўлида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




# Байрам дастурхонига туҳфа

*Пойтахтликлар дастурхонини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 20 декабридан 30 декабрига қадар Тошкент бозорларида вилоятлардан келтирилган мева, сабзавот ва гўшт маҳсулотлари ярмаркаси ўтказилмоқда. Ярмаркадаги маҳсулотлар нархи бозордагидан анча арзон.*

*— Андижонликлар ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркасида жами 300 тоннадан зиёд турли маҳсулот сотишни мўлжаллаганмиз, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи К. Ҳамидов. — Шаҳарликлар дастурхонига дала ва боғ нознеъматлари етказиб беришда Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Марҳамат, Олтинкўл, Избоскан, Хўжаобод туманлари, вилоятдаги "Андижон" агрофирмаси, "Андижонгўштсаноат" бирлашмалари алоҳида ўрнак бўлишмоқда.*



**А.ҲАЙДАРОВ олган суратлар.**

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

# ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг шу йил 30 ноябрдаги "Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ мамлакатимизда оммавий-ватанпарварлик тадбирлари давом этмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ўтаётган ана шундай тадбирлар давлат ва жамоат ташкилотлари, тегишли ҳокимлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилаяпти.

— Мазкур фармойиш бу йилги тадбирлар ҳар қачонгидан кенг ва кўтаринки руҳда ўтишида муҳим дастуриламал бўлаётир, — дейди Ички қўшинлар бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими бошлиғи, подполковник Қобилжон Ҳайитов. — Қўшинимизга қарашли барча ҳарбий бўлинмаларда давлатимиз раҳбарининг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" рисоласи асосида учрашув, семинар ва суҳбатлар, "Очиқ эшиклар кунлари" ўтказилмоқда.

Таниқли адиблар, олимлар, фахрийлар ва Қуролли Кучлар вакиллари иштирокида ўтаётган бундай тадбирларда Ватанимиз мустақиллигини, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида таъкидланмоқда. Бунда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг аҳамияти каттадир.

Мамлакатимиз истиқлолини ҳимоя қилиш, жиноятчи ва диний экстремистик тўдаларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Ота-оналар ҳарбий қисм ва бўлинмаларга келиб, аскарларимизнинг кундалик ҳаёти ва уларга яратиб берилаётган шарт-шароит билан яқиндан танишаяпти.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ХАТЛАР
*сўзлайди*

## Муштарий: *мамнунияти*



**Унда ёш эдим. Бир куни бобом саҳарда уйғотдилар-да, "Қўшни қишлоқдаги тўйга борувдим, иккита полвонни йиқитиб, мана шу жиғдани олдим. Ният билан уни сенга кийдирмоқчиман, тур болам", дедилар...**

### Ушалган орзу

Йиллар ўтиб, ўз вазним бўйича кураги ерга тегмаган полвон бўлиб етишдим. Етти марта Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдим. Ҳар гал бериладиган соврин мен учун ифтихор эди. Кейинги пайтда фарзандларимиз ҳам ҳеч кимдан кам бўлмасликлари керак, деган фикрда мактаб болаларига кураш сирларини ўргатмоқни ният қилдим. Ўз қишлоғимдаги клуб залида юзга яқин болаларни йиғиб, "Кураш" мактабини ташкил этдим. Шогирдларим вилоят, республика мусобақаларига биринкетин чиқа бошлашди. Озми-кўпми меҳнатларим эвазига кураш гилами билан тақдирландим. Яқинда Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида самбо кураши бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилган Жаҳон биринчилигида қатнашиб, кумуш медаль соҳиби бўлдим...

Хув ўшанда бобом кийдирмоқчи бўлган жиғда сиғмаганди. Барибир у киши менинг кучли полвон бўлишимни жуда истаганлар. Мен ҳам бугун бобом сингари шогирдларимнинг ҳар бирига жиғда кийдиришни ният қиламан.

**Чироқчилик**
**Абдурашид полвон МИРЗАЕВ.**

*...танқид қилади*

### Эътиборни қаранг

**Кечагина ҳаётимиз ширин, турмушимиз фаровон эди. Бугун эса... бир номарднинг эҳтиётсизлиги оиламдаги тинч ҳаётни бузди. Шу йилнинг 15 майидаги фожиа мени турмуш ўртоғим — Мавлуда Насимовадан маҳрум этди.**

Воқеа шундай бўлганди: катта кўчада ҳаракат қилаётган "Дамас" машинаси умр йўлдошимни уриб кетди. Орадан уч кун ўтиб у шифохонада вафот этди. Кейин ҳайдовчининг қариндошлари менга миллион-миллион пул ваъда қилиб, уйимга кела бошлашди.

Табиийки, бундай таклифга кўнмадим. Иш судга ошди. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди турмуш ўртоғимнинг ўлимига айбдор, тўрт нафар фарзандимнинг чирқираб қолишига сабабчи бўлган айбланувчи Фаррух Қораевга, назаримда жуда енгил жазо берди. Бор-йўғи икки йиллик шартли равишда ахлоқ тузатиш чораси белгиланди. Наҳотки, бир инсон тақдирига шунчалик бефарқ қаралса. Бу воқеани юқори идорадагилар қандай изоҳлашаркин?

**Умар ЎРОҚОВ.**
**Самарқанд шаҳри.**

*...афсусланади*

### Тоқатимиз тоқ бўлди

**Биз пойтахтдаги Юнусобод туманининг 4-мавзе, 36-уйда яшаймиз. Уйимиз 1974 йилда қурилган бўлиб, охирги марта 1986 йили таъмирланган эди.**

Эндиликда эса уйга кириш йўлаклари кўримсиз аҳволга келиб қолган, кўпчилигида ойналар йўқ. Кириш эшикларининг айримлари синган, борларини шу уйда истиқомат қилувчиларнинг ўзлари таъмирлашади. Ертўла ҳам қаровсиз ҳолатда. Совуқ ва иссиқ сув қувурлари алмаштирилмайди.

Уйимизнинг орқа томонида катта ахлат уюми пайдо бўлганлиги шундоқ ҳам тўлиб турган сабр косамизни тошириб юборди. Бу ҳолдан ранжиб, бир неча бор мутасаддиларга мурожаат қилдик. Улар сансалорликдан нарига ўтишмаяпти.

Яна бир гап. Уйнинг орқа томонида ташландиқ ҳовуз бор. Уни ишлатиш ҳақида ҳеч ким қайғурмайди ҳам. Агар ундан фойдаланилмаса, кўмиб ташлаб, ўрнида болалар ўйнайдиган жой қилиш мумкин-ку.

**Набижон КАМОЛОВ ва бошқалар.**
**Тошкент шаҳри.**

*Сурат-айблов*

### Чорвачиликдаги қолоқлик

Улуғнор туманидаги "Мингбулоқ" ширкат хўжалиги бир неча йиллардан бери пахта тайёрлаш шартнома режасини бажармаслиги натижасида иқтисодий танглиликка учради. Бундан хўжаликнинг бошқа соҳалари ҳам зарар кўрди. Хусусан, бир пайтлар вилоятда донғи кетган чорвачилик фермаси зарар келтираётгани туфайли уч ой олдин шўъба корхонасига айлантирилди.



Айни пайтда бу ерда 55 бош қора мол бўлиб, шундан 20 боши соғин сигирлар. Улардан кунига бор-йўғи 15 литр сут соғиб олинмоқда. Жамоа раҳбарияти бундай кўрсаткич билан узоққа бориб бўлмаслигини ўзлари ҳам билишса керак. Корхонада қишлов учун прессланган сомон, силос, дағал хашак, лавлаги тайёрланганлиги яхши. Бироқ уларнинг қор-ёмғир остида чириб, ётиб, яроқсиз ҳолга келаётгани мутасаддиларни ташвишлантираётганга ўхшамайди.



**Суратларда корхонадаги аянчли аҳволни кўриб турибсиз.**

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Жой номи — тарих муҳри

**Халқимизда «Номинг ўчмасин» деган даъвату ҳикмат бор.**

**Ном — тарих. Ном — шаън-шавкат. Яшаб ўтганинг, яшаётганингни билдирувчи гувоҳнома.**

**Шўравий мафкуранинг маккорлиги ва айёрлиги шундан ҳам кўринадики, у аввало, муқаддас гувоҳномамизга — номларимизга тажовуз қилди.**

Биз ҳам соддалигимизга бориб, Сайробдаги Чорчинор булоғига Будённий булоғи деб от қўйдик. Кўчаларимизнинг «Жайхун», «Гулшан» деган номлари устидан чизиқ тортиб, «Прямая», «Линейная» деб атай бошладик. Кўчаю булоқлар нима бўпти, ҳатто фарзандларимизга байналминалча исм қўйишлар сал бўлмаса расм-русум даражасига кўтарилувди-ку.

Мустақиллик бизга ўзимизнинг исми-шарифимизни қайтарди. Жой — ҳудудларни номлашдаги хатолик ва шошқалоқликларимизга барҳам берди. Ўзбек тилининг луғавий захираси бой: чақалоққа муносиб тушадиган беш мингга яқин исм бор. Ўзбек заминининг ҳар бир қаричини тарихнинг бир зарварағи дейиш мумкин. Ундан миллатнинг шаън-ғурури битилган сатрларни ўқиб олиш мумкин. Мустақиллигимиздан сўнг маъмурий ҳудудларимизни, қишлоқларимизни, хўжаликларимизни қайта номлашда қийналиб қолмаганимиз ҳам шундан далолат беради.

Мен эслайман: Гагарин туманини қайта ном билан аташ, қайта номлаш анча мунозарали кечувди. Кимдир уни «Бешкўтон» деб атайлик деса, яна кимдир Жарқўтон бўлсин, Қоракамар ё Олтинкамар бўлсин деди. Атамалар қўмитасига эса «Музработ» деган сўз маъқул келди. Чунки бу шу туманнинг ўтмиш тарихини ифодаловчи энг манзур атама эди.

Сурхондарёда бу борада амалга оширилган маъқул ишлар кўп. Ва айни замонда айрим мунозарабоп муаммолар ҳам йўқ эмас.

Олтинсой туманида бир жойнинг Миршоди деган чиройли номи бор. Воҳа тарихининг билимдонларидан бири Туроб Эшбоевнинг ҳикоя қилишича, Миршоди Буюк Ипак йўлининг обод бекатларидан бўлган. Одамлари илм-фанга қизиқишган. Инқилобдан аввал бу ерда диний ва дунёвий илмларни ўргатадиган мактаблар ишлаб турган.

Ана шундай кўзга суртгулик жойни ва унинг атрофларини одамлар неча ўн йиллар Карл Маркс деб аташга мажбур бўлдилар. Ҳа, колхозга «Миршоди» эмас, «Карл Маркс» номи берилган эди. Колхознинг одамлари ишчан эди. Тадбиркор эди. Пахта тайёрлаш режаларини воҳада биринчи бўлиб бажариб довруғ солиб яшарди. Ва бу довруғ «Миршоди» четда қолиб, Карл Марксга боғланиб кетарди. Карл Марксни билмаган, ўқимаган ва унинг нима учун доҳий деб аталиши билан қизиқмаган одамлар ўзлари билиб-билмай, «Мен — Марксданман» деб мақтанардилар ҳам.

Маркснинг номи ўчирилгандан сўнг ҳам хўжаликка нима учундир «Миршоди» деган ном берилмади. — Олдинига у «Хўжаипок», сўнгра «Алпомиш» деб атала бошланди. Бу номларга бизнинг эътирозимиз йўқ, албатта. Лекин «Миршоди» деб аталганидами, мақсадга мувофиқроқ, ҳудуд тарихига дахлдор бўлур эди.

## Қарор ва ижро

Миршодиликлар «Маркс» деган атамани энди элас-элас эслайдилар. «Миршоди» деган ном, лекин, уларнинг қалблари тўрида. «Мен миршодиликман» деган сухандан кўксилари тоғдай кўтарилиб кетади.

Шу туманда яна Қизилтепа деган ҳудуд бор. Туроб Эшбоевнинг айтишича, кушон-бақтрия салтанати давридами, бу жой катта қўрғон — катта шаҳар бўлган. Шўрчилик Элмурод Йўлдошев деган тарихчи укамиз бу ердан ўзи излаб топган маданий ва шаҳарсозликка оид ёдгорликларни Термиздаги археология музейига олиб бориб топширганларидан ҳам кўпчилик хабардор. Қизилтепанинг тарихини мутахассислар ҳали ўрганишга киришмагани баробарида, ҳатто, атрофдаги бирон маҳалла шу ном билан юритилмагани барибир кишини афсуслантиргандай бўлади.

Шунга ўхшаш ҳолатлар бошқа туманларда ҳам кузатилади. Қумқўрғон туманида масалан, Тагтўғай, Қоптўғай деган жойлар бор. Эътибор қилинг, «таг» сўзи ҳам, «тўғай» ёки «тўқай» сўзи ҳам бирон-бир ижтимоий ё сиёсий мазмун-моҳиятни англата олмайди. Тўғри, бу жой — қишлоқ бир замонлар бирон тўқайнинг таг-қуйи қисмида жойлашгани сабабли кимнингдир оғзидан тактўғай деган сўз чиқиб кетиб, номга айланиб қолган бўлишиям мумкин. Лекин, масалан, шу қишлоқнинг устида катта сойликдан қурилган ва ҳозир ҳам ҳатто, яроқли ҳолатда сақланаётган кўприк бор. Номаълум сабабларга кўра, халқ ичида Македон кўприги деб юритиладиган бу иншоотни асли XVI асрда Бухоро хони Абдуллахон қурдирганиниям атрофдагилар яхши биладилар. Боз устига шу Тагтўғай қишлоғида XVII асрнинг ўрталарида туғилиб, 100 йилдан зиёд умр кўрган, замондошлари томонидан «Шариф зот» деб улуғланган аллома, тарихчи ва давлат арбоби Хожа Самандар Термизийнинг авлодлари яшашади. Гапга етар акобирлар қишлоқнинг номини шу алломанинг номига ёки Абдуллахон қурган кўприкка боғлаб ўзгартириш ҳақида таклиф билан чиққандилар ҳам. Лекин... Қишлоқ «Тагтўғай»лигича қолаверди. «Тактўғай», «Қоптўғай», «Кўртўғай» — бир қарашда эски — тарихий кўринган ва асли шунчаки тасодиф юзасидан пайдо бўлиб қолган бу номларни муносиб равишда ўзгартириб қўйилса ёмон бўлмасди. Ахир биз Амир Темур бобомиз билдириб, тайинлаб кетганларидек, улуғ элмиз. Жойларимизнинг, қишлоқларимизнинг номлари ҳам ўзимизга, ўзлигимизга, тариху келажагимизга яраша улуғ маъноларни англатиб турмоғи лозим.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бухоро пахтачилик тажрибаси

### Янгича мезонлар асосида

Бу йил она табиат деҳқоннинг кўнглига боқди. Аксарият вилоятларда мўлжалдагидан мўл пахта ҳосили етиштирилди. Мамлакатда шунча ҳосил охирги марта 1999 йилда тайёрланганди. Ўшанда пахта майдони ҳозиргидан 60 минг гектар кўп бўлганди.

Бухоро вилояти пахтакорлари шартномада белгиланган бандларни пешқадамлар қаторида адо этишди. Ялпи хирмон 380 минг тоннадан ошиб кетди. Яна бир жиҳат: бухороликлар ўтган йили ҳам Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари қаторида ғолибликни қўлга киритишганди. Хуллас, йил қандай келишидан қатъий назар, Бухорода белгиланган шартномаларнинг бажарилиши учун кафолат яратилди.

Ҳозир шудгордан чиққан далалар дам олмоқда. Бундай дамларда босиб ўтилган йўлга назар ташлаш, наф келтирган тажрибани ҳисобга олиш, сабоқлардан хулоса чиқариш айни муддао. Келинг, бухоролик пахтакорларнинг барқарор ҳосил етиштириш омилларини таҳлил қилиб кўрайлик.

Қишлоқ хўжалигига истиқболли технологияларни жорий этиш, тежамкорлик режимини йўлга қўйиш туфайли вилоят хўжаликларида пахтадан олинадиган даромад ҳажми сезиларли равишда кўпайди. Айнан шу фойда эвазига 2004 йилда 55 та ҳайдов техникаси, 200 дан ортиқ ишлов бериш агрегати, 50 дона ОВХ пуркагичи ва бошқа кўплаб замонавий техника воситалари сотиб олинди. Моддий сарф-ҳаражатлар ишлатилишининг ойлик мониторинги аниқ йўлга қўйилди.

Вилоят бўйича 27 минг гектар майдонга туксизлантирилган чигит уялаб экилганлиги туфайли 250 миллион сўмлик уруғлик сарфи қисқарди. Агар 2003 йилда ҳосилнинг 78,9 фоизи биринчи навга сотилган бўлса, бу йил шартнома режаси бажарилганда жами пахта хомашёси юқори навга баҳоланди. Ҳар гектар пахта майдони 785 минг сўмдан даромад келтирди. Хомашёни белгиланган нархлардан юқори баҳога сотиш туфайли қўшимча 18,7 миллиард сўм даромад олинди. Шартномадан ортиқча етказиб берилган пахта хомашёси учун 20 фоизли устама ҳисобидан 630 миллион сўм, «Бухоро-6» навининг истиқболли нав сифатида устама коэффициент тўлови туфайли 930 миллион сўм қўшимча даромад олинганлиги учун рентабеллик даражаси 29 фоизга етди.

Вобкент туманидаги Охунбобоев номли, Наимов номли, Олот туманидаги «Ўзбекистон», Бухоро туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжаликларида ҳосилдорлик 35-40 центнерни ташкил этди. Ромитан туманидаги Ёқуб шайх номли, Нек Камол номли, Шариф Али номли фермер хўжаликлари ҳар гектар ердан 43-48 центнердан ҳосил етиштирдилар. Ялпи ҳосилнинг 48 фоизи фермерлар улушига тўғри келди.

### Табиат билан тиллашиб

Юқорида тилга олинган рақамлар эришилган натижаларни акс эттиради. Биз шу марраларга нималар ҳисобига етиб келинганига эътибор қаратмоқчимиз. Бухоро туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигида пахтачилик бобида шундай тажриба тўпланганки, унда Бухоро пахтачилик мактабининг эътиборли жиҳатлари аниқ мужассамлашган. Суҳбатимизни шу хўжалик мисолида давом эттирайлик.

«Маданият» ширкат хўжалигида 1400 гектар майдонда пахта етиштирилади. Унинг 500 гектари кучли шўрланган далалардан иборат. Шу ҳақда сўз юритганда беихтиёр Президентимизнинг ифодали таърифи ёдга тушади: «Бухоронинг ҳар қарич ери деҳқонларнинг пешона тери билан суғорилган». Албатта, мўл ҳосил пойдевори, аввало, кузда, шудгорлаш пайтида қўйилади. Хўжалик бошқаруви раиси Муҳаммад Аҳмедов бизга ерни ҳайдашда механизаторга ҳақ тўлаш бўйича қуйидаги жадвални кўрсатди:



*Баракали ҳосил чўғидан мамнун боқиб турган бу опахон Бухоронинг миришкор деҳқонларидан бири Шафоат Боқоевадир. Асл пахтакор нафақат «Маданият» ширкат хўжалигида, балки бутун Бухоро туманида ном таратган пудратчидир. У киши меҳнат қилаётган жамоада бу йил шартнома режаси 112 фоизга адо этилди. Эътиборлиси, пахтадан олинадиган даромад чўғи бир ярим ҳисса мўл бўлди.*

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

| Шудгор чуқурлиги (см.) | Ҳар гектар ерга тўланадиган ҳақ (сўм) |
|---|---|
| 40 | 3000 |
| 41 | 3200 |
| 42 | 3400 |
| 43 | 3600 |
| 44 | 3800 |
| 45 | 4000 |
| 46 | 4200 |
| 47 | 4400 |
| 48 | 4600 |
| 49 | 4800 |
| 50 | 5000 |

Ер маромида ҳайдалса, тупроқ қатлами ҳавони яхши ўтказади, унга тушган уруғ тезроқ амал олади, экин баравж ўсади. Албатта, шудгордан кейинги тадбир яхоб суви орқали шўрни ювишдир. Бухорода бу юмуш сифатига алоҳида эътибор қаратилади. Кимёвий лабораторияда ернинг шўрланиш даражаси аниқланади. Йиллар мобайнида кўзи пишган деҳқонлар бу кўрсаткични шундоқ ҳам аниқ айта оладилар. Агар ер қорамтир тус олган бўлса, далада ҳеч гиёҳ ўсмаса, демак, бу жойлар кучли шўрланган — 2-3 марта ювиш керак. Яхоб бериш пайтида сув текис далага тушиши муҳим. Сув кам турган ерда тузлар пастга кетмайди.

Ерни қачон экишга тайёрлаш керак? Қачон даладаги тупроқ табиий етила бошлаганда. Бунинг учун борона-мола қилиш орқали ернинг «юзи» олинади.

— Баъзан сиз, журналистлар «табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб» деган иборани ишлатасизлар, — дейди М. Аҳмедов ўз фикрини изоҳлаб. — Мен бунга қўшилмайман. Ҳақиқий деҳқон аслида табиат ўзгаришларини ҳисобга олиб, табиат билан тил топишиб ишлайди. Айни ўриклар қийғос гуллаганда чигит экишни бошлаймиз. Кекса деҳқонларнинг айтишича, табиатнинг ўзи экинларни бошқараркан. Ҳали ҳарорат меъёрига чиқмагунча ўрик гул ёзмай тураверади.

Бухорода уруғлик чигитни тайёрлашга ихтисослашган Ўзбекистон-Франция қўшма корхонаси ишлаб турибди. Франциялик мутахассис Жан Пьер Дерлон раҳбарлик қилаётган бу муассасада тайёрланган чигит ерга аниқ миқдорда экилганда ғўзани яганалашга ҳожат қолмайди. 2004 йилда жами пахта далаларининг 30 фоизига шундай чигит экилди. Келгуси йил бундай майдонлар 60 фоизни ташкил этиши кўзда тутилаяпти. Кимёвий усулда ишланган чигит уруғлик сарфини 50 фоизга камайтиради.

— Мана бу манзарага эътибор қилинглар, — деди раис хизмат хонасидаги дераза рахига суяб қўйилган ғўзани қўлга олиб. — Етмишта кўраги бор. Ғўзанинг бели бақувват, шиғил ҳосилни кўтара олади. Оғир тошларни ердан бемалол қўзғата оладиган полвонларнинг ҳам бели йўғон бўлади.

### Даладаги кашфиёт

Бир дона чигитдан кўкариб чиққан ғўзани шунчалик ясатишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Экин ҳам оби-ҳаётга, ҳам қуёш нурига, ҳам деҳқон меҳрига тўйиши керак. Ғўзага техника билан ишлов беришда бир масала узоқ вақт баҳс мавзуи бўлди. Агротехника тадбирлари бўйича ёстиқдай-ёстиқдай китоб ёзган олимлар экинлар парваришида чуқур культивация муҳим аҳамиятга эгалигини уқтириб келишди. Асос: культивация қанча кенгроқ кўламни ишғол қилса, тупроқ яхши юмшайди — шунда ғўза дуркун ўсади. Бухоролик деҳқонлар бу масалада мутлақо бошқача фикрда эканликларини ҳаётда исботлашди. Маълум бўлишича, культиватор пичоқлари чуқур олинса, ғўза илдизлари шикастланар экан. Натижада ғўза ўз илдизини даволаш билан бўлиб, ҳосил тўплолмайди ва бор нишоналарни тўкиб юборади. Экинга ишлов беришда культиваторнинг иш органларини енгиллатиб бориш, чуқурлик даражасини камайтириш хўжаликда 90 тонна ёнилғини тежади.

Ерга меҳрини берган деҳқонлар заминнинг нафас олишини дилдан ҳис қилишади. «Маданият» хўжалиги вилоятда деҳқонларнинг тажриба базасига айланган. Вилоятда ташкил этилган 30 нафар мутахассисдан иборат илмий кенгаш ана шу тажрибани умумлаштириб, таъбир жоиз бўлса, ҳамманинг мулкига айлантирмоқда.

### Тонна эмас, даромад муҳим

Шундай қилиб, «Маданият»ликлар 2004 йилда умумий даромадни 1 миллиард 850 миллион сўмга етказишган бўлса, унинг 800 миллион сўми фойдага қолди. Шунча сармоянинг 300 миллион сўми дивиденд сифатида одамларга берилади, ярим миллиард сўми ижтимоий инфратузилмага, янги техника сотиб олишга ишлатилади. Келгуси йил 2 та қишлоқ врачлик пункти қурилиши кўзда тутилган. Ажойиб спорт саройи қуриб битказилди.

Хўжаликда кейинги 10 йил ичида режадан ташқари йилига 2,5 минг тоннадан пахта топширилаяпти. Шу рақамнинг ўзи Бухоро пахтачилик мактаби қандай самара бераётганини кўрсатиб турибди.

Бухоро деҳқонлари эришилган ютуқлардан руҳланиб ишламоқдалар. Вилоятда жорий йилда аҳоли маблағлари ҳисобидан 8 миллиард сўмлик 378 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой қуриб битказилди. 117 километр, жами 950 миллион сўмлик табиий газ қувурлари, 964 миллион сўмлик (145 километр) сув қувурлари қуриб фойдаланишга топширилди. Лўнда айтганда, ҳаёт тафаккурни ўзгартирмоқда. Қадимий ва табаррук заминдан куч олаётган бухороликлар бундан буён ҳам янгидан-янги ютуқларга эришиб, юртимиз кўркини очиб бораверадилар.

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,**
**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**










### «Ҳазора»да янги коллеж

Кармана туманидаги «Ҳазора» ширкат хўжалигида янги коллеж биноси фойдаланишга топширилди. Маиший хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича касб-ҳунар ўргатадиган бу таълим масканининг Янги йил арафасида ишга туширилиши ёшлар учун чинакам совға бўлди.

Замонавий ва маиший андозаларга мос лойиҳа асосида бошланган мажмуа қурилишини Қизилтепа туманидаги «Зилола пойдевори» қурилиш фирмаси бунёдкорлари 8 ой ичида ниҳоясига етказдилар. Бу муҳташам ўқув масканини бунёд этиш жараёнида 1 миллиард 600 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ўқув хоналари компьютерлаштирилган, замонавий спорт зали, ошхона, дам олиш ва мажлислар зали ёшлар хизматида.

Коллежнинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Б. Рўзиев йил охиригача яна 2 та янги коллеж биноси ва 5 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилишини таъкидлади.

**Исроил ХОЛБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Болалар спорти жонкуярларига совға

Жиззах шаҳрида барпо этилган «Истиқлол» болалар истироҳат боғи спортсевар ёшларнинг севимли масканига айланди. Боғдаги футбол майдончаси, теннис корти, гимнастика залларида юзлаб ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилган.

Яқинда республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мажмуидаги турли тўгараклар фаолиятини янада яхшилаш, янгиларини ташкил этиш учун 4,5 миллион сўмлик спорт анжомлари туҳфа қилди.

Бу каби совғалар Пахтакор тумани спортчи ёшларига ҳам насиб этди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТА БАНК»и
ўз акциядорлари, мижозлари ва барча
юртдошларимизни кириб келаётган
Янги – 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили
билан чин қалбдан табриклайди !
Янги йилда Сизларга бахт-саодат, тинчлик-
хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва ишларингизда
доимо улкан зафарлар тилаймиз !
Байрам муносабати билан Сизларни йиллик даромади 32 фоиздан
38 фоизгача бўлган «Пахта банк» омонат турларига бўш
пул маблағларингизни қўйишингизни ҳамда йиллик
30 фоиз, капитализацияси билан 34,5 фоиз даромад
келтирувчи замонавий тўлов воситаси –
«Пластик карточка»ни таклиф этамиз !
Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар !
«Пахта банк» — фаровонлигингиз калитидир !
«Пахта банк» кенгаши ва бошқаруви.


«Ипак йўли»
БАНКИ
Ўзбекистон халқини ҳамда
юртимиз меҳмонларини кириб
келаётган
Янги – 2005 йил
арафасида энг эзгу ниятлар
ила қизғин табриклайди !
Янги йил барчага, ҳар бир
оилага тодлик, бахт-саодат,
сиҳат-саломатлик ва омад
олиб келсин !
ИПАК ЙЎЛИ


Янги - 2005 йил билан,
азиз юртдошлар!
Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация
оператори – "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси
Сизларни 2005 йил билан самимий муборакбод этади.
Янги йилда Сизларга бахт-саодат, ишларингизда
омад ва улкан зафарлар, оилангизга тотувлик ва
хотиржамлик тилайди.
O'ZBEKTELEKOM
Aktsiyadorlik kompaniyasi
Toshkent, 700000, Amir Temur ko'chasi, 24.
Tel.: 133-42-59, faks: 136-01-88.
www.uztelecom.uz, e-mail: uztelecom@intal.uz

AVIALEASING

«Авиализинг»
АВИАКОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон аҳолисини
Янги йил билан
муборакбод этади !

Барчага тинчлик-
хотиржамлик, бахт-
саодат ва фаровонлик
тилаймиз !

2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ

БАРЧА ЮРТДОШЛАРНИ
ЯНГИ — 2005 ЙИЛ
БИЛАН
САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

Ишончимиз комилки, кириб келаётган
2005 йил халқимизнинг, мамлакатимизнинг,
миллатимизнинг обрўсига обрў қўшади,
шон-шуҳратини янада зиёда қилади.

Йил бошида қилаётган эзгу ва пок ниятларимизни
амалга оширишда Яратганнинг ўзи мададкор
бўлсин. Халқимизнинг насибасини зиёда этсин.

Янги йил ҳар бир оила ва инсон учун
ёруғлик, шодлик, муҳаббат ва файз барака
келтирсин.

Янги - йилингиз муборак бўлсин !

Ҳурматли пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари!

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ
жамоаси
Сизларни кириб келаётган
Янги — 2005 йил билан
табриклайди !

*Янги йилда сизларга сиҳат-саломатлик
ва бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар
ҳамда байрам кунлари мароқли дам олишингизни тилаймиз.*

Янги йил арафасида ва байрам кунларида сизларга қариндошларингиз, яқинларингиз ва дўстларингиз билан дийдор кўришиб келишингиз учун бизнинг қулай поездларимиздан фойдаланишни таклиф этамиз. Бизнинг кассаларимизда барча йўналишларга темир йўл чипталарини харид қилишингиз мумкин.

Сизларга қулайлик яратиш мақсадида Янги йил арафаси кунларида ва мактаб ўқувчилари таътили даврида

«Тошкент-Урганч»
йўналишидаги №56/55-поезди 2004 йил 20 декабрдан бошлаб ҳафтада икки марта ҳаракатланади.

«Тошкент-Китоб»
йўналишидаги №666/665-поезди 2004 йил 19 декабрдан бошлаб кунора ҳаракатланади.

Маълумотни Тошкентдаги қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
- «Тошкент-Марказий» вокзали: 199-72-16, 199-77-28;
- Марказий темир йўл агентлиги: 136-48-48, 199-76-27;
- «INTER-SARATON» туристик компанияси: 007, 137-12-19, 137-11-24;
- «Пойтахт» меҳмонхонаси: 120-67-64.

10297R/1451

Темир йўл — бу: Хавфсизлик! Қулайлик! Ишончлилик!

Хизматлар лицензияланган.

«LOK KOLOR SINTEZ» —

кенг ассортиментдаги
лак-бўёқ, тикувчилик маҳсулотлари
ва электродларни ишлаб чиқарувчи
қўшма корхона жамоаси

барча Ўзбекистон халқи
ва пойтахтимиз
меҳмонларини кириб
келаётган
Янги — 2005 йил
билан
муборакбод
этади !

КОРХОНА ХАЛҚАРО
СИФАТ СОВРИНИГА
САЗОВОР БЎЛИБ,
SPI ОЛТИН МЕДАЛИ
БИЛАН
МУКОФОТЛАНГАН.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.
Факс: (998 71) 191-74-63, www.lokkolor.uz, E-mail: lokcolor@rol.uz

O'zLotto

## O'ZLOTTO KUNDALIK

| Кетма-кет тўғри топилган сонлар миқдори | Ютуқ (сўм) \ тушган рақамлар | 20.12.04 | 21.12.04 | 22.12.04 | 23.12.04 | 24.12.04 | 25.12.04 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 3 2 6 | 9 0 4 3 | 8 3 7 9 | 0 2 8 2 | 9 2 4 0 | 6 2 5 4 |
| | | Ютуқли ставкалар сони | | | | | |
| 4 | 200 000 | 2 | 2 | 3 | 2 | 0 | 2 |
| 3 | 2 000 | 98 | 42 | 55 | 37 | 49 | 45 |
| 2 | 200 | 1 021 | 649 | 671 | 654 | 512 | 718 |
| 1* | 100 | 2 886 | 1 804 | 1 708 | 1 892 | 1 536 | 2 061 |

* биринчи ёки тўртинчи устунлардаги тўғри топилган сонлар

**12-тиражининг ҲИСОБОТИ** — O'ZLOTTO 6/30

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 12 21 16 20 19 9

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 22 декабрь

Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди (сўм) | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи (сўм) |
|---|---|---|---|
| 6та тўғри топилган сон учун | 4 411 343 + Matiz | 0 | 0 |
| 5та тўғри топилган сон учун | 201 894 + аудио магнитофон | 4 | 50 473 + аудио магнитофон |
| 4та тўғри топилган сон учун | 302 841 | 239 | 1 267 |
| 3та тўғри топилган сон учун | 504 736 | 2 208 | 228 |

Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 29 декабрь куни ўтказилади

**13-тиражининг ҲИСОБОТИ** — O'ZLOTTO 6/35

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 24 22 10 17 29 11

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 25 декабрь

Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди (сўм) | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи (сўм) |
|---|---|---|---|
| 6та тўғри топилган сон учун | 99 497 325 + Lacetti | 0 | 0 |
| 5та тўғри топилган сон учун | 526 564 + Телевизор | 3 | 175 521 + Телевизор |
| 4та тўғри топилган сон учун | 724 026 | 174 | 4 161 |
| 3та тўғри топилган сон учун | 724 026 | 2 234 | 324 |

Лотереянинг кейинги тиражи 2005 йил 1 январь куни ўтказилади

Тўкин ҳаёт сари!
Лицензия №000001
Тошкент ш., Ниёзбек йўли к., 24
Тел.: 136-70-69

Бирни кўриб фикр қил...

# АЛДАНГАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Бухоро вилояти Жондор туманида истиқомат қилувчи фуқаро Мунаввар Собировадан шикоят келди. "Оиламдан тинчлик, хотиржамлик йўқолди, — деб ёзганди ариза муаллифи. — Ўғлим Умид чет элга ишга жўнатаман деб кимлардандир катта микдорда пул олган экан. Ҳозир у уйда йўқ. Қаерга кетганини билмайман. Пул берган одамлар эса уйимга келиб мени тинч қўймаяпти, асабимга тегаяпти. Илтимос, менга ёрдам берсаларингиз".

Бундай пайтда, албатта, милиция ходимлари жабрланувчига ёрдам беришга шошилади. Улар Мунаввар Собирова хонадонига йўл олишди. Жабрланганлар, маҳалла аҳли, профилактика инспектори билан суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, онахоннинг шикояти мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайди. Аслида воқеа бундай бўлган экан. Умид Собиров чет элга ишга жўнатаман деб кўплаб содда одамларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиради. Оз эмас-кўп эмас, 30 миллион сўм пулни йиғиб олгач, қаергадир гумдон бўлади. У ҳозир қидирувда. Алданган одамлар шикояти асосида Умид Собировга нисбатан жиноий иш очилган. Қўрққан олдин мушт кўтарар, деганларидек, фирибгарнинг онаси эса гўё жабрланувчи бўлиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга шикоят йўллайди.

* * *

Кунларнинг бирида Ўрта Чирчиқ тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалигига Жонсулув деган нотаниш аёл келди. У маҳаллама-маҳалла юриб, қизларни ишга таклиф қила бошлади. "Сизларни Россияга олиб бораман, супермаркетларда ишлаб катта ойлик топасизлар", дея нафақат қизларга, уларнинг ота-оналарига ҳам қоп-қоп ваъдалар берди. Содда одамлар аёлнинг гапларига дарров ишона қолишди. Хуллас, маҳалладан саккиз қиз Жонсулув раҳбарлигида «Қайдасан, Москва», дея йўлга тушишди.

Жонсулув қизларни Россия пойтахтига олиб бориб супермаркетлардан бирига ишга жойлади. Улар дўкон ертўласида яшай бошлашди. Аввалига гўё ҳаётлари яхши ўтаётгандек эди. Лекин орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас хўжайинларнинг уларга муносабати ўзгарди. Бекордан-бекорга қийнайдиган, ҳақоратлайдиган, ҳатто урадиган одат чиқарди.

Қизлар шунда адашишганини, уларни Жонсулув алдаганини тушуниб етишди. Аммо энди кеч эди. Ўзбекистонга қайтайлик, деса чўнтакларида пул йўқ, хўжайинлар эса сенларни милицияга айтиб қаматамиз, Москвада пропискасиз юрибсанлар, деб қўрқитишади.

Шундай кунларнинг бирида қизлардан бири... вафот этди. Буни эшитган бошқа бир қизнинг онаси йўл кирага қўни-қўшнилардан қарз олиб Москвага отланди. Бир иложини қилиб шаҳарга ҳам етиб борди. Аммо унда қизларнинг манзили йўқ эди. Шунинг учун милицияга учрашга мажбур бўлди. Воқеани эшитган шаҳар милицияси раҳбарлари онага ёрдам беришга шошилдилар ва уч кун деганда қизларни топишди.

Москвага борган онахоннинг гапига қараганда, улар пулсизликдан роса қийналишган. Ва охири Россия — Италия болалар ташкилоти қизларга йўл чипталари ва овқат пули берган. Москвага жарақ-жарақ пул ишлаш учун борган қизларнинг саргузашти шундай якун топган.

* * *

Гулчеҳра отаси вафот этгач анча ғамгин бўлиб қолди. Кўпчилик буни падари бузрукворининг бевақт ўлими билан изоҳларди. Аммо қизни ўйлантириб қўйган нарса фақат бу эмасди. Отадан кейин рўзғорларининг баракаси кетди. Битта онасининг топгани ҳеч нарсага етмай қолди. Укаси эса ҳали ёш. Гулчеҳра ёрдам берай деса, иш йўқ. Бунинг устига, шу пайтгача бирор ҳунар ҳам ўрганмаган.

Шундай кунларнинг бирида дугонаси Асал гап топиб келди: қўшниси аёлларни чет элга ишга юбораётган эмиш. Гулчеҳранинг ўша аёлларга ҳаваси келди. Уларга маза. Ҳам катта пул ишлайди, ҳам чет элни кўриб келади. Ўзи эса Самарқанддан бошқа жойга чиқмаган. Онаси рухсат берса, у ҳам чет элга бориб ишлаб келарди.

Гулчеҳра уч-тўрт кун шу ҳақда ўйлаб юрди. Кейин истагини амалга ошириш йўлларини излай бошлади. Дугонаси Асалдан қўшниси билан таништириб қўйишни илтимос қилди. Орадан уч кун ўтгач Асал қўнғироқ қилди. Қўшниси Кароматга унинг истагини билдирганини, у эса Гулчеҳра билан гаплашмоқчилигини айтди.

Қизалоқ бу хабарни эшитиб жуда қувонди. Кириб бор гапни онасига айтмоқчи бўлди. Лекин ўйланиб қолди. Ҳали Каромат билан гаплашгани йўқку. Балки у йўқ дер ёки катта пул сўрар. Бир миллион сўм берасан, кейин жўнатаман, деса нима қилади, бунча пулни қаердан олади. Яхшиси, аввал Каромат опа билан гапни бир жойга қўяй, кейин онамга билдираман. Иш битгандан сўнг айтсам, онам ҳам рози бўлади, деб ўйлади.

Хуллас, Гулчеҳра дугонаси Асал ёрдамида Каромат билан танишиб олди. Кароматнинг ўзи ҳам Гулчеҳрага ўхшаган келишган, чиройли қизларни излаб юрганди. Шунинг учун мижозини чет элга жўнатишга дарров рози бўлди. Аммо сирни фош қилиб қўймаслик учун "Қайтиб келгач йўл ҳақи учун кетган пулни тўлайсан", деб шарт қўйди. Содда қиз эса бу шартга дарров кўнди.

Гулчеҳра чет эл сафари ҳақида айтганда, онаси аввал рози бўлмади. "Бўйи етган қизга чет элда бало борми?" деди гапни чўрт кесиб. Аммо қизи ҳам бўш келмади. Бир ўзим эмас, бир неча қизлар билан кетаяпман. Уч-тўрт ойда қайтиб келамиз. Шерикларим яхши одамлар, деб онасини алдади. Охири она рози бўлди.

Энди бу ёғини чет элдан эшитинг. Каромат Гулчеҳрани тўғри Дубайга олиб борди. Сўнг уни бир хонадонда номаълум аёлга топшириб ўзи қаергадир ғойиб бўлди. Қизнинг паспортини ўзи билан олиб кетишни ҳам унутмади. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Кечқурун ҳалиги аёл Гулчеҳранинг хонасига номаълум бир эркакни бошлаб кирди. Бугун шу эркак билан қолишини айтди. Гулчеҳра, қанчалик ялиниб-ёлвормасин, қаршилик қилмасин ўша тун унинг номуси топталди. Гулчеҳра салкам 40 кун шундай яшади. Кўчага чиқай деса ёнида бирор ҳужжати йўқ, бунинг устига тил билмайди. Ҳалиги аёлдан Кароматни сўраган эди, аллақачон у Самарқандга кетиб қолганини айтди.

Дунёда яхши одамлар кўп экан, уни қутқариб олишди. Самарқандга келгач, Кароматни қидириб топди. Буни қарангки, баттол аёл Гулчеҳрани кўриши билан унга бақира кетди. Йўл ҳақини талаб қила бошлади. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деганларидек, Гулчеҳра ҳеч ўйланиб ўтирмасдан милицияга хабар берди. Албатта, жиноятчи тегишли жазосини олди, лекин...

* * *

Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тош-тарозу, дейди халқимиз. Ҳозир баъзи ёшларимизда четга чиқиб ишлаб келишга иштиёқ кучли. Марҳамат, бунга ҳеч ким қарши эмас. Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз учун дунё эшиклари очилди. Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси хоҳлаган хорижий давлатга бориш, ишлаш ҳуқуқига эга. Лекин бу иш қонун йўли билан амалга оширилиши керак. Айрим фуқароларимизнинг соддалиги, ўз ҳуқуқ ва бурчларини билмаслиги юқоридаги каби салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Умид Собиров ким? Ўзи ҳеч жойда ишламаса, қандай қилиб бошқаларни хорижга ишга юборади? Наҳотки, пул бераётган одамлар шу ҳақда ўйлаб кўришмаган бўлса? Умуман, нима учун Умид фирибгарлик йўлига кириб кетди? Балки оиладаги муҳит, ота-онанинг бола тарбиясига масъулиятсизлик билан қараши сабабдир бунга? Ҳеч жойда ишламайдиган ўғлининг чўнтагида миллионлаб сўм пул пайдо бўлиб қолганда ота-она нега бу маблағ қаердан келаётганини суриштирмади? Унинг юриш-туришига нега маҳалла аҳли, қўни-қўшнилар бепарво бўлишди? Умид ҳали, ёш бўлса-да, уч марта оила қуриб ажралишга улгурди. Уч оиласида учта аёл, учта фарзанд сарсон, дили вайрон, бахти кемтик.

Энди иккинчи воқеадаги вазиятга эътибор беринг. Кўчадан келган нотаниш аёл — Жонсулувга, у кимлигини, қаердан келганини суриштирмай ота-оналар гулдай қизларини қўшиб юбораяпти. Аҳир, бу фарзанд тақдирига, келажагига бепарволик эмасми? Оқибатини ўзингиз кўриб турибсиз. Йигирма ёшли бир қиз бекордан-бекорга вафот этиб кетди. Бошқа қизлар ҳам руҳан жароҳат олдилар.

Учинчи воқеада эса битта ўйланмай ташланган қадам туфайли бир бокира қизнинг номуси булғанди, келажаги поймол бўлди. Бу кўргуликларнинг ҳаммасининг ортида қонунни, ўз ҳуқуқини билмаслик турибди. Энг ачинарлиси, бугун ҳам Умидга, Жонсулувга, Кароматга ўхшаган фирибгарлар илондек эшилиб, кимнидир ўз тўрига илинтиришга уринмоқда. Ноқонуний йўл билан чет давлатларга боришни, мўмай пул топишни орзу қилаётганлар кўзига саробни кўрсатиб аврамоқда. Албатта, фирибгарлар жазоланади, лекин йўқотилган вақт, асаб ва соғлиқни қайтариб бўлмайди-ку. Одамлар қалбида пайдо бўлган жароҳат ва ишончсизликни ҳам.

Шу ерда, хўш, фирибгарлар алдаётган экан, хорижга қонуний йўл билан ишга кетиш учун нима қилиш керак деган савол туғилиши табиий. Биз ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида шу саволга ҳам жавоб изладик.

Республикамизда фуқароларни чет элларга ишга жўнатиш билан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги шуғулланади. Бизга маълум қилишларича, айни пайтда агентлик Ўзбекистон фуқароларининг чет элга касб-ҳунар ўрганиш ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш бўйича фақат Корея Республикаси билан шартномага эга. Унга асосан фуқароларимиз Кореяга кичик ва хусусий бизнес, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига касб-ҳунар ўрганиш учун юборилади.

Ҳозирги кунда бу борада Малайзия ҳукумати билан ҳам ўзаро ҳамкорлик меморандуми ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, агентлик бевосита хорижий ҳамкор компаниялар билан ишлаш йўлларини қидираяпти. Айни пайтда АҚШ, Япония, Янги Зеландиялик ҳамкорлар билан алоқа ўрнатилди.

— Кореялик ҳамкорларимиз белгиланган йўналишлар бўйича қуйидаги талабларни қўймоқда, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ходими Инъомжон Холбоев. — Ишлашга борувчи, аввало, йўналиш бўйича уч йиллик иш стажига эга бўлиши керак. Шунингдек, корейс тилининг биринчи даражасини ўзлаштириши ва бутунлай соғлом бўлиши шарт. Бундан ташқари, қурилишда ишлайдиганлар 20 ёшдан 40 ёшгача, қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича ишлайдиганлар эса 30 ёшдан 45 ёшгача бўлиши лозим.

Ишга борувчининг тил билиши тест орқали синаб кўрилади. Ундан муваффақиятли ўтганлар рўйхати тузилиб Республика фуқароларини чет элларга ишга юбориш учун номзодларни танлаш бўйича идоралараро комиссияга тақдим этилади. Кейин бу рўйхат Жанубий Корея Республикасининг мутасадди органларига жўнатилади. Улар қуръа услубини қўллаб махсус компьютер дастури орқали номзодларни танлайди ва якуний рўйхатни Бюрога жўнатади. Қуръа жараёни ва натижаларига ҳеч бир Ўзбекистон фуқароси ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Барча босқичлардан ўтган номзод Жанубий Кореяга ишга боришдан олдин Тошкент шаҳридаги Ташқи миграция масалалари бўйича республика агентлиги ҳузурида мослашув жараёнидан ўтади. Шундан сўнггина уларга оқ йўл тиланади.

Яна бир гап. Чет элга чиқиб алданиб қолаётганларнинг кўпчилигини сайёҳлик йўлланмаси билан хорижга борган фуқаролар ташкил этмоқда. Одамлар билиб қўйсинларки, фақат меҳнат визасигина чет элда ишлаш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари, ҳозир мамлакатимизда шу соҳа бўйича бепул маслаҳат берадиган ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролар чет элга ишга кетишдан олдин шу ташкилотлар билан маслаҳатлашиб иш тутсалар ҳечам адашишмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, шартнома бўйича чет элга ишга юборилганларни хорижий иш берувчи ишга жойлаштириш ва уларнинг кейинги иш фаолиятини назорат қилишни ўз зиммасига олади. Бундан ташқари, улар бахтсиз ҳодисадан суғурталанади. Яъни иш жараёнида орттирилган жароҳатлар ва етказилган маънавий зарар учун белгиланган миқдорда компенсация тўловлари олади.

Кўриниб турибдики, хорижга ишга қонуний кетиш туфайлигина инсон ўзининг хавфсизлигини, соғлигини, хотиржамлигини таъминлаган бўлади.

**Азиз ЭРНАЗАРОВ,**
**ИИВ Матбуот маркази бошлиғи.**
**Бекқул ЭГАМҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

ABN·AMRO

«АБН АМРО БАНК ЎЗБЕКИСТОН МБ Ҳ.Ж.»

Сизни Янги — 2005 йил билан самимий табриклайди ва у Сизга янги зафарлар ҳамда мустаҳкам соғлиқ келтиришини тилайди.

# Арзон, тез ва қулай



Наманган йўлларида қатнай бошлаган «Отайўл» автобуслари вилоят аҳлига Янги йил туҳфаси бўлди. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида келтирилган 46 та автобус бу ерда қатор йиллардан буён давом этиб келаётган жамоат транспорти муаммосини ҳал этиш борасида дадил қадам бўлди. Янги автобуслар ҳисобига ташкил этилган «Наманганотайўл» масъулияти чекланган жамияти йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, қатновлар изчиллигини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилаяпти. Эътиборли жиҳати — «Отайўл»ларда йўл ҳақи бошқа транспорт воситаларидагига нисбатан деярли тўрт баравар арзон.

Яқин кунлар ичида масъулияти чекланган жамият автосаройи шундай автобуслардан яна тўрттаси билан тўлдирилади. Бундан ташқари, вилоятдаги яна иккита автосаройга «ПАЗ» русумидаги янги автобуслар келтирилиши режалаштирилган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТЛАРДА: 19-йўналиш ҳайдовчиси Абдуқодир Жўраев 24 йилдан буён ўз касбини ардоқлаб келади; янги автобус барчага маъқул бўлди.**

**Абдумутал МАТКАРИМОВ олган суратлар.**

O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

2005 йили ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартнома-жадваллар тузади.

Шартнома-жадвалларни тузиш муддати — 2005 йил 1 февралгача.

Маълумот учун телефонлар:
114-37-03, 114-37-21.
Факс: 114-36-90.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

ТошДТУ жамоаси университетнинг Фалсафа кафедраси асосчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор
**Абдураҳмон Ортиқович ОРТИҚОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ЎзФА академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермуҳаммедовга укаси, Самарқанд давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори
**Баҳодир ШЕРМУҲАММЕДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —264. 21387 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6